

ГУВОХЛАНТИРИШ ТЕРГОВ ХАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ АХАМИЯТИ

Агоев Шукурулло Сафарбоевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

“Тергов фаолияти” кафедраси ўқитувчиси

Абдухамидов Аббосжон Инъом ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

3-босқич курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11650781>

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят ишларини юритиш фаолиятида гувоҳлантириш тергов ҳаракати муҳим ўрин эгаллашини ҳисобга олсак, уни амалга ошириш асослари ва процессуал тартиби билан боғлиқ хусусиятларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш жуда катта амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу тергов ҳаракатлари тергов амалиётида кўп учрасада, улар билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топган деб айта олмаймиз. Ушбу мақола орқали тергов ҳаракатини ўтказиш билан боғлиқ қонунчилик ва ундаги қарама-қаршиликлар ҳамда уларнинг ечимлари, назария ва амалиётдаги муаммоларни кўриб чиқамиз.

Калит сўзлар: гувоҳлантириш, қарама-қаршилик, асос, халқаро тажриба, шахснинг ҳуқуқлари, тергов ҳаракати.

Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида шахс ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ва унинг ечимлари жиноят ишларини юритиш фаолиятида гувоҳлантириш тергов ҳаракати муҳим ўрин эгаллашини ҳисобга олсак, уни амалга ошириш асослари ва процессуал тартиби билан боғлиқ хусусиятларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш жуда катта амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу тергов ҳаракатлари тергов амалиётида кўп учрасада, улар билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топган деб айта олмаймиз. Ушбу мақола орқали қонунчиликдаги қарама-қаршиликлар, назария ва амалиётдаги муаммо ва камчиликларни кўриб чиқамиз.

Мамлакатимизда шахс ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши халқаро шартномалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида таъминланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси шахс ҳуқуқларига оид 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, шу жумладан Бирлашган миллатлар ташкилотининг 6 та асосий шартномаси, 4 та факултатив протоколига қўшилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси иккинчи бўлимида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ҳамда ушбу бўлимнинг X бобида бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари тўғрисида сўз юритилади. Мазкур нормалардан келиб чиққан ҳолда, ЖПКда ҳам шахсларнинг жиноят процессининг иштирокчиси сифатидаги ҳуқуқий мақомини инобатга олиб, улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятларга боғлиқ равишда амалга ошириладиган тергов ва суд ҳаракатлари жараёнида жиноят ишини юритувчи субъектларнинг бу ҳуқуқларни таъминлаган ҳолда фаолият юритишлари талаб этилади. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилинган ҳолда амалга ошириладиган тергов ҳаракатларидан бири гувоҳлантиришдир.

Таъкидлаш жоизки, ЖПКнинг 146-моддасида гувоҳлантирилувчи шахс билан терговчи бир хил жинсли бўлган тақдирда ҳам, агарда гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, терговчи бу гувоҳлантиришни ўтказмаслиги ва уни

ўтказишни шифокорга топшириши кераклиги белгилаб қўйилган. Ушбу ҳолат амалиётда гувоҳлантириш тергов ҳаракати ҳар доим ҳам қонун доирасида ва гувоҳлантирилиувчи шахснинг ҳуқуқларини етарли даражада таъминлаган ҳолда ўтказилмаётганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ЖПКнинг 88-моддасида тергов ёки суд ҳаракатлари билан боғлиқ ишларни бажараётганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва ишда мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этаётган шифокорлардан бошқа шахсларнинг ўзга жинсдаги шахсни яланғоч қилиб ечинтириш чоғида ҳозир бўлишлари тақиқланиши белгиланган. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, юқоридаги нормада гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ҳам гувоҳлантирилаётган шахс билан бир хил жинсда бўлиши шарт эмас деган маъно келиб чиқади.

Бу эса ўзаро нормалар рақобатини вужудга келтириб, қонунни нотўғри тушунишга олиб келиши ва инсонларни ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш кераки, инсон ҳуқуқларини таъминлашга, давлатимизнинг халқаро индексини ва дунёдаги сиёсий позициясини ошириш учун қонунчиликни такомиллантириб бориш, ундаги қарама-қаршилик ва камчиликларни бартараф этиш шарт.

References:

1. Муродов Б., Қулбеков О. Номусга тегиш жиноятларини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 98-104.
2. Муродов Б.Б. Основания прекращения уголовного дела в связи с истечением срока давности привлечения к ответственности (опыт Узбекистана) //Вестник экономической безопасности. – 2016. – №. 1. – С. 177-182.
3. Муродов Б.Б. Совершенствование основания прекращения уголовного дела в связи с истечением срока давности привлечения к ответственности //Обзор законодательства Узбекистана. – 2016. – №. 3. – С. 47-50.
4. Муродов Б. Совершенствование основания прекращения уголовного дела в связи с истечением срока давности привлечения к ответственности //Обзор законодательства Узбекистана. – 2017. – №. 1. – С. 69-72.
5. Муродов Б., Ботаев М. Анализ основ реабилитации невиновных лиц в уголовном процессе //Общество и инновации. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 166-176.
6. Суюнов Ш., Хусинов Ш. Рецидив жиноятчилик тушунчаси ва унинг аҳамияти //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 150-156.
7. Суюнов Ш., Исмаилова Ш. Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларни тергов қилишда юзлаштириш тергов ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 140-144.
8. Суюнов Ш., Азаматов А. Суриштирув институтининг ривожланиш истиқболлари

